ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 5 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01023

ИСО МАСИҲ ВА ПОНТИЙ ПИЛАТ

Тўлқин Қўйлиев
Тошкент давлат аграр университети доценти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада қирғиз адиби Ч.Айматовнинг “Қиёмат” романи иккинчи қисмида бундан икки минг йил илгари бўлиб ўтган даҳшатли воқеа – Исо Масиҳ устидан ўтказилган суд жараёни ҳақидаги воқеаларга муносабат билдирилади. Буюк шахс тақдиридаги воқелик реалист ёзувчи томонидан ниҳоятда бир-бирига чирмашиб кетган миллий ва умуминсоний муносабатлар уйғунлигида бадиий услубда таҳлил этилганини кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Калит сўзлар: Инжил ва Исо Масиҳ, парвардигор ва банда, Исо Масиҳ ва Понтий Пилат, макон ва замон, осмон ва замин, жамият ва шахс, ҳақиқат ва буҳтон, имон ва имонсизлик, жисм ва руҳ.

JESUS CHRIST AHD POHTIUS PILATE

ABSTRACT

In the second part of the novel "Doomsday" by the Kyrgyz writer Chingiz Aymatov, this article deals with the tragic events that took place two thousand years ago - the trial of Jesus Christ. The aim is to show that the reality of the destiny of a great person is analyzed by the realist writer in an artistic style in the harmony of extremely intertwined national and universal relations.

Keywords: Bible and Jesus Christ, God and People, Jesus Christ and Pontius Pilate, space and time, heaven and earth, society and person, truth and slander, faith and unbelief, body and soul.

КИРИШ

Инсоният тарихидан маълумки, барча диний оқимларнинг асосчилари ўзи мансуб бўлган халқлар томонидан даъватларининг дастлабки кунлариданоқ қаттиқ қаршиликларга дуч келган. Хўрлаш, таҳқирлар, қавмдошлар ораларида тошбўрон қилиниб ҳайдалиш, жинниликда айбланиш, масхара қилиниш ва ҳатто чормихланиш улар қисматига битилган тақдири азалдир. Саррвари коинот – пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳисаломни ҳам ўз амакилари ўлдирмоқчи бўлганларида ул Зот ҳижрат қилишга мажбур бўлган. Ривоятларга қулоқ

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01023

тутадиган бўлсак Зардушт ҳам Хоразм атрофларидан қувғин қилинган, Исо пайғамбарни эса яхудийлар талабига кўра чормихлаб қатил қилганлар. Улар ҳақидаги маълумотлар Қуръони Карим ва бошқа кўпдан кўп қадимий битиклар орқали туркий дунё ўқувчиларига ҳам етиб келган.

Қуръони Карим асосида пайғамбарлар ҳаёти ҳақида ўз вақтида Ахмад Яссавий, Рабғузий, Боқирғоний, Алишер Навоий, Сўфи Оллоёр, Машраб ва бошқа юзлаб ижодкорлар томонидан ёзилган қиссалар маданий ҳаётимиздан муносиб ўрин олган. Адабиётшунос олим Ҳ. Караматов тўғри кўрсатганидек, “Улар Қуръон қиссалари билан узвий боғлиқ бўлиб, мусулмонларга маълум ҳодисалар ҳақида ривоят этади. Уларни бир-биридан ажратиб турувчи нарса – истеъдод” [1].

Етмиш йилдан ортиқроқ вақт давомида собиқ Иттифоқда ҳукм сурган даҳрийлик сиёсати натижасида пайғамбарлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида тасаввур берувчи йирик фундаментал илмий, диний ва бадиий асарлар деярли амалга оширилмаган, яратилганларини эса қандай шаклда бўлмасин тўғридан-тўғри рад этмасалар ҳам уни жамоатчилик томонидан эътроф этилишига қаршилик қилган. Ана шундай аянчли тақдир жаҳоний адиб, улуғ ёзувчи Чингиз Айматов асарларини ҳам четлаб ўтмаган. Дастлаб, “Кассандра тамғаси” романи учун яшрин тахаллус – В. Бондаренко номи билан “Наш современник” журналида “Насл-насабини билмаган Чингиз” номли мақолада уни “миллий адабиёт, халқ манфаатларига нисбатан сотқинликда, бу ҳам етмаганидек, кўчирмачиликда, манқуртликда, ...бадиийликдан йироқ, ҳеч кимга кераги йўқ, адиб хаёлига келиб қолган ва тутруқссиз услубда битилган алмойи-алжойи гаплар йиғиндиси, дейишгача бориб етди”- деб ёзади публицист-адиб А. Мелибоев [2]. “Кунда” романи ҳақида эса, мухолифлар бошқача йўлдан боришиб гуёки мавзу танлаш, асарни қисмларга ажратиш уларнинг манополиясидек, романнинг учала қисми бир-биридан ажралиб қолган, асарга Аристотель айтган бутунлик ва узвийлик етишмайди, деб кўрсатма беришгача бориб етдилар. “Сергей Аверинцев каби йирик филолог олим эса, Айматов насронийлик, Инжил ва Исо темасига қўл уриб нима қиларди, бу темалар шарқ ёзувчисидан йироқ, дегандай писанда қилиб ўтди.

Ҳолбуки, “Кунда”нинг жозибаси унинг кўтарган темасидагина эмас. Роман имон масаласини ҳозирги инсоният олдига жуда кескин ва ҳаддан ташқари фожиали қилиб қўйди. У имон йўлидаги ваҳший кучлар ва тўсиқларни аёвсиз реализм билан кўрсатди. “Кунда”нинг жозибаси имон ва имонсизлик нима эканлигини ҳеч яширмай ошкора тасвирлаб берганида”- деб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01023

ёзган эди ўз вақтида романнинг ўзбек таржимони, танқидчи, профессор И. Ғофуров [3].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Улуғ ёзувчи Ч. Айматовнинг “Кунда” романида тасвирланган Исо Масиҳ ва Понтий Пилат аслида ким, қандай қилиб бу образлар асар сюжетига кириб борган?

Маълумки, асар қахрамонларидан бири диний-семинарист Авдий Калластратов ёшлиги туфайлими ёки эътиқодми, хуллас ўқувчилик йилларида Исонинг тарихини ўрганаётганида, унинг чеккан азоби ва риёзатини ўз жонида туйиб ва ўшанда Исони Гефсиман боғида Иуда сотганлигини ўқиганда, ҳўнг-ҳўнг йиғлаганди! Ўша кун офтоб тиғида Исо Руҳиллони Ғулқоф тоғида қатл қилганларида, буни олам иморатининг инқирози ва ҳалокати деб англаганидадир [4]. У “замонабоп”, “янги” Худо кашф қилмоқчи эди. Бироқ ўз вақтида Исони қавмлари қабул қилмай қатл этиб, сўнгра унга эргашганлари, унинг хунини ўзларига қабул қилиб, имон келтирганлари сингари, эски черков ақидалари таъқиб этиб, янги жамият ундан юз ўгирди. Орадан яна икки минг йил ўтиб, бошқа бир тарихий шароитда шунга яқин ҳодиса ўз сафдошларини янги ҳаётга чорлаган Авдий ҳаётида содир бўлди. У ўзининг соддадил, эзгу, пок ўй-ниятлари билан черковга ҳам, ҳаётга ҳам сиғмайди ва ҳалокатга учрайди.

Масиҳ учун танланган йўл дунёни холос этиш йўли эди. У ягона худо ердаги одамларнинг яратувчиси эканлигини, худонинг ерда илоҳий подшолик ўрнатиш тўғрисидаги хабарини одамларга етказиш мақсадида ўзининг вакил қилиб юборилганлигини, одамларнинг маънавий тушкунликдан холос бўлишлари ва илоҳий ҳақиқатга эришишлари йўлида ўзини худо ва одамлар ўртасидаги воситачи сифатида тан олишларига ва унинг таълимотини қабул қилишга даъват этган. Аммо Исонинг Фаластиндаги даъватчилик фаолияти кутилган натижа бермаганлииниг асосий сабаби унга эргашганлар камчиликни ташкил этган. Бундан ташқари, унинг қарашлари бу ердаги мавжуд иудаизм анъаналарига унчалик мос келмаган ва ҳатто баъзи масалаларда кескин қаршиликка ҳам учраган. Оқибатда Исо Масиҳ ҳокимият ва расмий динни бадном қилганликда айбланиб хочга тортиб ўлдиришга ҳукм қилинган.

Тарихий китоблардан маълумки, худди шу йиллари яҳудийлар ўртасида кутилаётган холоскорнинг келиши яқинлашиб қолганлиги ҳақида хабар тарқатувчилар пайдо бўлади. Улар халқни кутилаётган холоскор келишига

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01023

тайёрлаш учун майдонга чиққан эдилар. Шунда Исо Масиҳ яҳудийликни ислоҳ қилиш ва уни турли хурофотлардан тозалаш ғояси билан чиқиб, христиан динига асос солди. Яҳудийлар уни ва унинг издошларини Фаластиндан қувғин қиладилар.

“Яҳудий қоҳинлари Исонинг таклифларини рад этганлар ва Исони куч ишлатиб ўз ғояларидан воз кечишга мажбур қилмоқчи бўлганлар. Лекин бундай ҳаракатлар зое кетган ва курашувчи тарафлар ўртасидаги ихтилофлар тобора кучайиб борган. Исо иудаизмдан тобора йироқлашган ва унинг ғоялари янги диний таълимотга асос қилиб олинган” [5].

Понтий Пилат эса Рим императорининг Кичик Осиёдаги вилоятлар ноиби, ўзи ҳам салкам шаҳоншоҳдан қолмайдиган ҳукмдор сифатида фаолият олиб боран. Аслида воқеалар қандай бўлган эди, нега бундай шафқатсиз, ғайри инсоний қарор қабул қилинди? Буюк адиб хаёлотиинг изидан роман сахифаларини варақлаймиз.

Ўша куни эрталабдан ҳаво қизиб, кун иссиқ бўлишидан дарак берарди. Ирод саройининг Арк айвонида мармар устунлар тагида прокуратор талабига асосан келтирилган курсига мустаҳкам жойлашган Понтий Пилат ўз ажалига пешвоз чиққан Исо Масиҳнинг самода айланаётган қушга бехос кўз қирини ташлаганини пайқаб, “Сен қаёққа қараяпсан, Яҳудонинг подшоси? Бошингда ажал қуши айланяпти!”- деди тутоқиб ва заҳар сочиб.

“У ҳаммамизнинг бошимизда айланяпти”- деди унга жавобан хотиржамлик билан Исо Масиҳ.

Пилат қаршисидаги одамга ҳам қизиқиб, ҳам нафрат билан қарар, хаёлидан ўтаётган саволларга ожизона жавоб топгандай бўлар, аммо уларнинг ҳеч бири уни қониқтирмас, шубҳалар ўтида қоврулиб гоҳ уни Байтулмуқаддас Синедриони томонидан чиқарилган ўлим ҳукмини тасдиқлаб, ҳокимлик муҳрини босмоқчи, гоҳ буни орқага чўзиб Румо давлати учун Исо фикрлари ва хатти-ҳаракатлари нечоғлик хавфли эканлигини охиригача аниқламоқчи бўларди. “Бўпти, яна аввалги гапимизга қайтамиз. Шўрлик, биласанми, сени нима кутаётганлигини? Сендан сўраяпман, нима бўлишингни биласанми?”,- дерди тоқатсизлик билан.

Исо ўзини нима кўтаётганини яхши билар, аммо қанча мардановор бўлмасин ранги ўчди ва оғир хўрсиниб, “Шундай, Румо нойиби, мени бугун қатл қилишларини биламан”.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01023

“Биламан, дейсан! “Биламан” ҳам гапми? Сени у ёққа олиб чиқишгандан кейин биласан,”- дерди Понтий, пайғамбрга ҳам раҳми келиб, ҳам аччиғи қистаб масхараомуз боққанча.

“Шундай, Румо ноиби, мен буни биламан, ўйласам этим сесканиб кетади”. Понтий Пилат эса гапи чала қолганидан норози бўлганча тўнғилларди: “Сен гапимни бўлма ва нариги дунёга кўпам ошиқаверма, борасан ҳали”. “Афв эт, ҳукмдор, беихтиёр оғзимдан чиқиб кетди, гапингни бўлмоқчи эмасдим. Мен ҳеч ерга шошаётганим йўқ. Мен ҳали яшасам девдим”,- деди узрона умидворлик билан Исо Масиҳ.

Худди мана шу ердан Понтий Пилат Исо ташвиқотларидаги асосий мақсад – одамларга ягона худо ердаги одамларнинг яратувчиси эканлигини, худонинг ерда илоҳий подшолик ўрнатилиши тўғрисидаги ва унинг одамларга етказиш учун ўзининг вакил қилиб юборилганлиги тўғрисидаги ғояларидан воз кечиш талабини илгари сура бошлайди.

“Эса сен куфроний сўзларингдан воз кечиб қўя қолмайсанми?”,-тиккасига сўради Понтий Пилат.

“Менинг қайтиб оладиган сўзим йўқ, ҳукмдор. У сўзлар қисматда бор. Падарим дилимга солган. Унинг иродасини адо этиб, сўзларини одамларга етказмоғим керак”- деди унга мардонавор Исо.

Понтий Пилат: “Айтганингдан ҳеч қолмайсан. Мени чалғитаман деб, овора бўлма, ҳаммасини шундоқ кўриб турибман. Падаримнинг сўзлари, уларни одамларга еткизаман дейсан. Аслида бу нима? Аслида бу қора халқни лақиллатиш. Уни қўлга олиш! Авомни бузғунчиликка бошлаш. Балки унинг сўзларини менга ҳам етказмоқчидирсан – мен ҳам одамман-ку!”

“Ҳозирча. Румо ҳукмдори, сенга бу ҳожат эмас. Билъакс сенда изтироб йўқ. Сен бошқача ҳаётни орзу қилмасанг ҳам бўлади. Сен учун ҳукмронлик бу – Худо ва диёнат. Ҳукмронлик эса тамомила ўз қўлингда. Сен учун шундан юқори ҳеч нарса йўқ”, - деди қатъий оҳангда пайғамбар.

“Рост. Румо ҳукмронлигидан ўзга олий нарса йўқ. Умидворманки, сен шундай демоқчи бўлдинг, шекилли?”

“Сен шундай деб ўйлайсан, ҳукмдор”- янада қатъийроқ жавоб берди Исо Масиҳ.

Понтий Пилат эса янада ишонч билан: “Ақлли одамлар ҳар доим шундай деб ўйлаганлар. Бекорга айтмаганлар, Қайсар – Худо эмас, лекин Худо – худди Қайсардай. Агар аксинчасига ишончинг комил бўлса, менга исбот қил. Қани! Мен Румо имератори Тиверийнинг нойиби бўламан. Унинг номидан мен

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01023

замину замонадаги нарсаларнинг ҳолатларини бирмунча ўзгартира оламан. Сен эсанг бунга аллақандай олий кучни, гуё сен элтаётган қандайдир ўзгача бир ҳақиқатни қарама-қарши қўймоқчи бўласан. Шоён ғалати, шоён ғалати! Акс ҳолда сени бу ерда тутиб турмас эдим. Синедрионнинг ҳукми қачон ижро этилади деб, шаҳар ошиқмоқда. Хўш, қани, жавоб бер!”

Исо Масих терговнинг дастлабки дақиқалариданоқ прокуратор ва ўзи орасида воқеа ва ҳодисаларни тушунишда чуқур тафовут борлигини билганидан “Мен нима дей?”,- дея олди холос.

Понтий Пилат: “Қайсарнинг Худодан кичиклигига ишончинг комилми?”,- деган саволига оддийгина қилиб, “Қайсар ҳам ўладиган одам”,-деб жавоб қилди.

“Албатта, ўладиган одам. Лекин у тирик экан, одамлар учун Қайсардан юқори Худо борми?”,- дея саволларини янада фаоллаштирди Пилат. Жавоб эса умидбахш ва келажакка йўналгани учун янада ҳайратли эди: “Тирикликнинг ўзга ўлчовини олсак, ҳукмдор, албатта бор”.

Понтий Пилат мағлубиятини асло тан олгиси келмас, ўзини хафа бўлгандай пешонасини тириштириб, “Топган гапингни қара-я, бунга кулайми, ўлайми? Одамлар кулади демайсан ҳам. Сенинг гапларингга ким ишонади билмайман, тушунмайман”,-дерди.

Масих тантановор оҳангда: “Зулмдан эзилганлар менга ишонадилар, адолат истаганлар ишонадилар менга. Менинг сўзларим азоб уқубатлардан тўйган ва кўз ёшлар билан суғорилган заминда ниш отиб, кўкаради”.

Понтий Пилатнинг сабр-тоқати тугаб борар, овози ичига тушиб кетганча: “Бас вақт зое кетмоқда. Мана шундан кейин ҳам, Румо ҳукмдори сенга озодлик беришини хоҳлайсанми?”,- дея олди ҳукмдор.

“Шундай, яхши ҳукмдор, мени қўйиб юбор”,- илтижоли нидо қилди Исо Масиҳо. “Кейин нима қиласан?”,- янада қизиқсиниб сўради Понтий Пилат. Унга жавобан “Элларга Худонинг каломини етказаман”,- деди Исо.

“Одамларни ахмоқ қиламан де! Ана энди ишондим. Сени ҳақиқатан тахтага тортиш керак экан. Сени фақат ўлим тинчитади!”,- деди Понтий қичқирганча.

“Сен янглишасан, шонли ҳукмдор, ўлим руҳ олдида ожиз”,-деди Исо Масиҳ. Понтий Пилат ғазаб ва нафратга тўлиб: “Нима? Нима дединг?”

Исо Масих: “Сўзларимни эшитдинг ҳукмдор”. Суроқ-жавоб шу жойга етганида шахсуворнинг қадам товуши ва унинг Понтий Пилатга “Сизга

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01023

юбордилар”- дея қандайдир ўроғлиқ қоғозни унга бергани шиддатли кечаётган суроқ-жавобни бир пас орқага ташлади.

МУҲОКАМА

Англашиладики, ҳукмдорга унинг хотини яшрин хат йўллаб ўша саргардон йўловчига оғир азоб бермаслиги, одамларнинг айтишига қараганда, у безиён ва тақводор, мўъжизакор эканлиги, уни турли номлар билан атаб балки туҳмат қилишаётгани ҳақида сўзлайди. Яҳудолар жанжалкаш ва серғалво халқ эканлигидан ўзлари ҳам хабардор эканлигини эслатади. Келгусида қора халқнинг оғзида юрган миш-мишлар: синагогларнинг кишилари ва шаҳар оқсақоллари Исога халқ эргашганини кўриб, қўрқиб кетганлари, ундан ўч олиш пайига тушганлари, руҳонийлар Исони кўролмай, жоҳил оломонни унга қарши буҳтон қилиб тезлагани, кеча унинг этагида ибодат қилганлар, бугун уни тошбўронга тутганлари, агар бу савдойини қатл этишга муҳр босилса, кейинчалик фақат Пилатни ёмон отлиққа олиб бориши, у эса бу заминда узоқ қолиб кетмасликлари, қадимий Румога олий унвонлар ва иззат-икромлар билан қайтишини орзу қилаётганини, ўзини ва насллари бошини маломатларга қўймаслигини эридан илтижо қилиб сўрайди.

Шунда Понтий Пилат девонасор, мажзуб, ёлғон пайғамбарни дарҳол, ҳеч қандай ортиқча гап сўзсиз қўриқчилар билан шаҳар ташқарисига, Ғулқоф қатлгоҳига жўнатиб юбормаганлиги учун афсус надоматлар чекди. Қайсарларни беҳурмат қилиб юрган шубҳали дайди Исони деб, Румонинг содиқ фуқаролари бўлмиш руҳонийлар Кайафа ҳамда Байтулмуқаддас аъён-ашрофлари билан орасин бузсинми, уларни ўзига душман қилиб қўйсинми, бунинг унга нима кераги бор, деган ўйлар билан хатни қайта ва қайта мулоҳаза қиларди. Ичидан бошқа бир куч эса Исонинг ҳушини жойига келтириб қўйишга ҳукмдорни даъват этарди.

Понтий Пилат илмоқли саволлар билан Исони суроққа тутар ва унинг асосий мақсади нима эканини, ўлимга боришга нима мажбур қилаётгани ва нима исташини билишни истарди. Румо қайсарининг жаҳонга ҳокимлик ҳуқуқини тан олмасдан, қандай Қайсар бўлмоқчилиги ва ҳатто уни тирик қолдириш ёхуд қатлга жўнатиш ўз қўлида эканлигини пеша қилиб сўзларди.

Исо қанчалик, мақсади Қайсар бўлмоқчи эмаслигини, фақат қийноқлардан қўрқаётганини тушунтиришга ҳаракат қилмасин, Пилат уни

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01023

янада сиқувга олар, унда шаҳар кўчаларига чиқиб тавба қилиши, янглишгани, ёлғон хабарлар қилгани, ёлғон башоратлар айтгани, Яҳудо подшоси эмаслигини айтишни уқтирарди. Понтий эса ўз билганидан қолмас Исонинг айбдорлигини исботлашга ҳаракат қилар, Сен айтаётган “Адолат салтанати” аслида йўқ нарса, ўзингни ҳам, бошқаларни ҳам бошини айлантирма, сен ўз таълимотинг билан одамлар юрагига васваса соляпсан, руҳонийлар руҳонийси тинчлигини йўқотган, шунинг учун руёларингни фош қил, сўнг Шом ёки бошқа ўлкаларга чиқиб кет, мен ҳам сенга ёрдам қилай, деган иддолар қилади.

Унга жавобан Исо улар ўртасида жуда ҳам фарқли томонлар мавжудлиги, бир-бировини тушуниш қийинлиги, мунофиқлик қилиб Худонинг илми-роҳидан воз кеча олмаслиги, агар воз кечса унда Понтий ва Қайсарга манфаат етиб, ҳақиқат завол топишини, ҳаммасидан аълороқ бу ҳақиқат эканлиги, ҳақиқат эса ҳар доим битталиги, ҳечқачон иккита бўлмаслигини айтганда, прокуратор янада асабийлашиб уни доғуликда айблаб, куни битиб бораётганликдан ўзича огоҳ этади. Яна ҳам қатъийроқ қилиб, холос йўлини тутмайсан ва ўлимни танлайсан, шундайми, дея сўрайди. Ҳолбуки, Исо Масих кунлардан бир кун суюкли шогирдларини ҳузурига таклиф этади. Зиёфат чоғида нонни синдириб: “буни енглар, бу менинг танамдир”, деди ва косадаги шаробни узатиб: “буни ичинглар, бу кўпларнинг гуноҳлари кечирилиши учун тўкиладиган менинг қонимдир”, деганидан кошки хабардор бўлса.

Ҳукмдор қошларини чимириб, кўк тоқига қирғийқараш билан боққанча: яна Исо иддаолари ҳақида ўйлар, нима эмиш – шаҳоншоҳдан тортиб қора қулгача барчани баробар қилмоқчи бўлади, зеро, Худо битта ва жамийки одамлар унинг қошида тенг, ҳамма учун Адолат Салтанати келади, деб жар солади. Бани башар ақлини васвасага қўйди, авомни бузди, дунёни ўз хоҳиш-иродасига кўра қайтадан бичмоқчи. Оқибатда нима бўлди? Ўша оломоннинг оқ калтак-қора калтагига учради, сохта башоратгўй, сохта расул, ёлғончи ва лўттибоз деб башарасига тупуришди... Ўжар, таълимотига қаттиқ ишонади. Аҳволига маймунлар йиғлаяпти-ю, писанд қилмайди, гўё у эмас, уни жазога тортаётганлар енгилгандай.

Исо Масиҳни ёлғиз қолдирганча Пилат зарурият юзасидан сарой ичкарисига кириб чиқиш учун Арк айвони ҳовлисидан ўтиб бораркан шуларни ўйлар, Исони мағлуб этиш йўлларини қидирар – майли ёлғиз қолсин, тубсиз чоҳ ёқасида турганлигини ҳис қилсин, иродаси бутунлай синсин. Тиз чўксин, ялиниб ёлворсин. Ҳамма учун тенг-баробар воҳид Худодан, тенглик, биродарликдан воз кечсин. Сўнг у бели синдирилган калтакесакдек Бани

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01023

Исроил заминидан қувғин этилади. Борсин, санғисин, дайдисин, дом-дараксиз йўқолсин. Ўшанда узоққа бормайди, эътиқоди суст чўлиқларнинг ўзи бўйнига уриб ўлдирадилар, деган тизгинсиз хаёлларга борарди.

Қийноқлар азобидан Исо Масиҳнинг елкалари ҳорғин эгилган, ориқлаган, юзи пастга тўлқинланиб тўкилган узун қорамтир сочлари билан чулғанган ҳолда пасбон рухсати билан мармар супачага ўтирган ҳолда қуёш тиғида қақраган чанқоғини қондиришни истарди. “Сув бўлса, ичсайдим, дарё бўлса чўмилсайдим”, дея хаёл қилар, қаршисида дарё пайдо бўлар, ёшлиги кўз олдида гавдаланар, онаси Марйамга илтижолар қилар, Роббига, осмондаги Падарига ёлворарди. “Раббоно. Ажал косасини бу сафар менга тутмай кўя қол! Яна ўзинг биласан, Сенинг ҳукмингга тобеман” дерди.

Ҳали беш ёшлигида онаизори Марйам билан боғлиқ воқеаларни эслади. Подшо Ироднинг қоҳинлардан шу кунларда Бани Исроил подшоҳи дунёга келди, деган хабарни эшитиб одамларни таъқиб қилиши ва ҳатто жонларига қасд қилишидан қочиб Мисрда ўтказган кунлари, Нили муборак дарёсида бўлган ва айни дамда кечаётган ҳодисалар орқали Марйам билан ғойибона суҳбат қилар, кечрим сўрар, тақдирдан нолимаслик ва унга сабр- тоқат тиларди. “Одамлар Яратган учун энг оғир юк экан. Одамзодда бор ҳақиқатни ўз ўлимим воситасида барқарор қилмоқдан ўзга йўлим ва ўзга чорам йўқ. Бани башар сари ўзга йўл топмадим. Мен улар сари қадам қўйдим. Алвидо, мени кечиринг, она! ... Қадам товушларини эшитяпман, ихтиёрсиз қотил – Понтий Пилат келяпти. Алвидо, она!”

Арк айвонига қайтган Понтий Пилат воқеалар ривожи ўзи истагандай кетаётганидан мамнун. У Исонинг аҳдидан қайтишини, тавба-тазарру қилиб, раҳм-шафқат сўрашини ҳам хоҳламасди. Равшанки, Исо буни тушунмаслиги мумкин эмасди. Масиҳ тақдирига нима ёзилганидан хабардор, ўзини Ғулқоф қатлгоҳи кутаётганидан асло чучимас, саволларга мардона ва очиқлик билан жавоб берарди.

Понтий Пилат шундоғам чўзилиб кетган сўроқни ниҳоясига етказиб, Исонинг таржимаи ҳоли, насл насаби ва айблов ҳукмини эълон қилди.

Исо бунга жавобан хитоб қилди: “Менинг тарихимни гапириб ўтирма. Лекин сенга айтиб қўяй: Сен тарихда қоласан, Понтий Пилат. Буткул қолажаксан”.

Бу фикр Понтий Пилатга қанчалик маъқул бўлмасин, кўпни кўрган, айёр ҳукмдор бирдан овозини ўзгартириб, тантанавор тусда: “Тарихда шавкатли

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01023

император Тиверий қолади. Унга шон-шарафлар бўлсин. Биз эса унинг содиқ навкарларимиз”-, деди баланд овозда.

“Барибир тарихда сен қоласан, Понтий Пилат”-, деди такроран ўжарлик билан Қуддусдан чиқиб, Ғулқоф сари бораётган зот.

НАТИЖАЛАР

Маълумки, Фаластин эрамиздан олдинги асрнинг сўнгги ва мелодий 1 аср бошларида Рим империясининг провинцияларидан бири бўлган. Худди шу даврда яҳудийлар ўртасида кутилаётган холоскорнинг келиши яқинлашиб қолганлиги ҳақида хабар тарқатувчилар пайдо бўлди. Улар халқни кутилаётган холоскор келишига тайёрлаш учун чиққан эдилар. Исо Масиҳ яҳудийликни ислоҳ қилиш ва уни турли хурофотлардан тозалаш ғояси билан чиқиб, христиан динига асос солди. Яҳудийлар уни ва унинг издошларини Фаластиндан қувғин қилдилар, Исо Масиҳни эса фитначиликда айблаб 33 ёшида қатл этишга ҳукм қилдилар. Исо Масиҳни учта қароқчи билан бирга қатл қилиниши белгиланган. Ўша даврда расман тан олинган анъанага биноан, қатл майдонида тўпланган оломон ўлимга маҳкум этилганлар орасидан биттасини афв этиш ҳуқуқига эга эди. Шу боис, оломон қароқчи Варравани танлаб Исо Масиҳдан юз ўгирган.

Ўз ўлимини тўғри англаган пайғамбар, буюк яратувчи унга Холоскорлик миссиясини юклаганини яхши англагани учун ҳам саволларга берилган жавоблар борган сари ҳукмдорни тажжубга солар, Назаретли Исонинг матонатига лол қолар ва ичидан зил кетарди.

“Лекин нима бўлмасин, Румо ноиби, эсингда тут: сен бир одамнинг жонини қутқаришинг мумкин эди. Сенга бунинг учун минг-минг ташаккур. Мен эсам, кўпни холос этишим, ҳатто биздан сўнг келадиганларни ҳам холос этишим керак”,- дерди тантановор Исо Масиҳ. Аммо фақат бугунги кун ташвиши – мансаб-мартаба, қорин қайғуси билан яшаган манқуртлар бундай улуғ холоскорлик нима эканини қайдан ҳам билишсин.

ХУЛОСА

Исо Масиҳ Худога нола қилиб йиғлар, гунг-сақов дунёда якка-ёлғиз фарёд чекар, қисматни қарғар ва Худога нола қилиб айтардики, “Сенинг журъатинг етмаган ишни Одамнинг ўзи гуноҳ ичра адо этди... Ҳа, билиб қўйки, Румо ҳукмдори, охир дунё мен туфайли эмас, одам болаларининг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01023

душманчилигидан келади. Сен ҳокимятингдан маст-аласт бўлиб шарафлаётган ўша ғалабалар ва ўша душманчиликлардан келади...”

“Қиёмат”–“одатий” асарлардан эмас,- деб ёзган эди ўз вақтида таржима назариясининг йирик мутахассисларидан бири отахон профессор Ғайбулла Ас-Салом,- муаллифнинг ўз ижодида ҳам мисли кўрилмаган бир янгилик эди. Унда макон ва замон, табиат ва инсон, жамият ва шахс, жисм ва руҳ, парвардигор ва банда, осмоний ва заминий ҳодисалар талқини ниҳоятда бир-бирига чирмашиб кетган” [6].

REFERENCES

1. Ҳамидулла Караматов. Хўрланган пайғамбарлар ғалабаси. Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1998, 3- бет.
2. Аҳмаджон Мелибоев. Чингиз Айматов: Давр. Инсон. Ҳақиқат. Т.: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2018, 159 - бет.
3. Чингиз Айматов навечно в сердцах узбекистанцев. (Автор проекта и составитель Т.М. Курбанов). Т,- «HOSIR», 197 - бет.
4. Чингиз Айматов. Қулаётган тоғлар (Мангу қайлиқ). Қиёмат. Т,: “O`ZBEKISTON” – 2O11.
5. А. Нарбеков. Диншунослик асослари. (Ўқув қўлланма). Т, 2008, 106 - бет.
7.Аҳмаджон Мелибоев. Чингиз Айматов ва Ўзбекистон. Т.: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2018, 40 - бет.
8. А. Нарбеков. Диншунослик асослари. (Ўқув қўлланма). Т, 2008, 106 - бет.
9. Аҳмаджон Мелибоев. Чингиз Айматов ва Ўзбекистон. Т.: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2018, 40 - бет.